

**Жиззах вилоят Соғлиқни Сақлаш бошқармаси Силга қарши курашиш  
Диспансери биноларини жорий таъмирлаш**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>№</b>	<b>Маълумотлар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар</b>
1	<b>Харидор</b>	Фаллаорол туман Силга қарши курашиш Диспансери
2	<b>Энг яхши таклиф мавзусини танлаш</b>	Жиззах вилоят Соғлиқни Сақлаш бошқармаси Силга қарши курашиш Диспансери биноларини жорий таъмирлаш
3	<b>Энг яхши таклифнинг рақам билан танлаш</b>	№1
4	<b>Бюртмачи манзили ва алоқалари</b>	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани F.Гулом МФЙ С.Рахимов кўчаси 47 уй
5	<b>Алоқа қилувчи шахс</b>	Курилиш бўйича бош мутахассис
6	<b>Энг яхши таклиф танлови эълони</b>	Etender.uzex.uz
7	<b>Иштирокчиларга энг яхши таклифни танлашда иштирок этишга рухсат берилади</b>	Юридик шахслар бирлашмаларининг танловидв иштирок этишга йўл қўйилмайди
9	<b>Лицензияланган иш турлари</b>	Лицензия талаб қилинадиган эксперт хулосаси техник маълумотлар вароқларининг реестр нусхалари
10	<b>Иштирокчиларнинг тушунтиришлар учун ариза бериш муддати Энг яхши таклифни танлаш</b>	Таклифни топшириш охирги муддати 10 кун олдин
11	<b>Таклифнинг амал қилиш муддати</b>	Тендер таклифлари берилган кундан бошлаб қабул қилинади
12	<b>Энг яхши таклиф танлаш ва таклифларни очиқ амалга оширади</b>	Электрон
13	<b>Таклифни баҳолаш муддати</b>	Таклифни баҳолаш муддати таклифларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 3 кундан ошмайди
14	<b>Шартноманинг бажарилишини таъминлаш миқдори</b>	Танлов натижаларига кўра аниқланган иш қийматининг 3%
15	<b>Мижоз чегараси нархи</b>	499 205 858 сўм
16	<b>Рақобат тили</b>	Ўзбек
17	<b>Молиялаштириш манбай</b>	Бюджет
18	<b>Шартнома валютаси</b>	Сўм

Фаллаорол туман Силга қарши  
курашиш Диспансери мудири:

Ў.Кудратов





2022 йил Жиззах вилоят Соғлиқни Сақлаш бошқармаси Силга қарши курашиш Диспансери биноларини жорий таъмирлаш мақсадида куйдаги ишларини амалга оширувчи курилиш пуррат ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун танловларни ташкил этиш бўйича ўтказиладиган танловлар ва (ёки) тендерларга тайёргарлик кўриш бўйича харид комиссиясининг дастлабки йиғилиш

### БАЁННОМАСИ № 1

Жиззах вилоят Falлаорол туман Силга қарши курашиш Диспансерининг 2022 йил 30 Июлдаги 2022-30-07-SD-сонли бўйрук билан билан тасдиқланган харид (танлов) комиссияси куйдаги таркиба қатнашдилар:

1.	Ў.Қудратов	-	Силга қарши курашиш Диспансери, комиссия раиси.
<b>Комиссия аъзолари:</b>			
2.	Ш.Исмоилова	-	Силга қарши курашиш Диспансери;
3.	Қ.Тошқулова	-	Силга қарши курашиш Диспансери;
4.	И.Назарова	-	Силга қарши курашиш Диспансери;
5.	Ф.Холмуродов	-	Силга қарши курашиш Диспансери
<b>Комиссия котиби:</b>			
	Р.Эшонкулов	-	Силга қарши курашиш Диспансери.

#### КУН ТАРТИБИДА :

- Харид комиссияси иш тартибини (регламентини) белгилаб олиш;
- Танлов ва талабгорнинг малакасини аниқлаш хужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш шарти ва талабларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
- Таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Танловларда кўзда тутилган 3%лик закалат тўловларни белгиланган тартибда тўланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

#### КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР:

- Танлов комиссияси раиси Ў.Қудратов ўтказиладиган Танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, Танлов хужжатлари талабларига мос равишда пурратчи ташкилотларни танлаш, комиссия аъзолари томонидан маъқулланадиган ва буюртмачи томонидан 1-иловага мувофиқ тасдиқланадиган иш регламентига асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

- Комиссия котиби Р.Эшонкулов – талабгорларнинг малакасини аниқлаш хужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка килиш холда бўлиши тўғрисидаги ахбороти эшистилди.

Танлов котиби Қурилиш- таъмирлаш соҳасида танлов ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя килиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомаси 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон кайд билан тасдиқлангани тўғрисида маълумот бериб ўтди. Ушбу тасдиқланган тартиботга кўра танловда умумий солик – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солик тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловисиз нарх асосида аниқланишини билдириб ўтди.

- Танлов комиссияси раиси – Ў.Қудратов таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини 2-иловага мувофиқ кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик

шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф билдириди. Шу билан бирга, ҳужжатларни техник ўрганиш баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган оферентлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

4. Комиссия аъзолари ушбу обьектлар бўйича таклифларни Халқ таълими бўлими курилиштаъмилаш ишларида танловларини ташкил этиш *etender.uzex.iz* эълонлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб **5 (беш) иш куни**дан кейин очилишини маъқулладилар.

Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнларида қўллаш учун Харид комиссияси раиси харид комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйди, натижада:

Розилар	-	<i>5 та</i>
Қаршилар	-	<i>Йўқ</i>
Бетарафлар	-	<i>Йўқ</i>

Кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиб, харид комиссияси йигилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Харид комиссиясининг 1-иловага мувофик иш тартиби буюртмачига тасдиқлаш учун тавсия этилсин.
- Талабгорлар ҳужжатлари пакетларга жойлаштирилиши ва маркировка қилиниши, ушбу тартибда тақдим қилинмаган оферталар қабул қилинмаслиги, шу билан бир каторда. Танлов ҳужжатларидаги танлов қатнашчилари учун йўриқномада талаб қилинганд шарт ва талаблар тасдиқлансан.
- Талабгорлар таклифларини техник ва молиявий баҳолаш мезонлари 2-иловага асосан тасдиқлансан.
- Буюртмачи томонидан ушбу обьектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловларида иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансан.
- “Курилиш соҳасида танлов ва (ёки) тендер ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислоҳотларни амалга ошириш” бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомасига кўра 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқланган тартибот маълумот учун қабул қилинсан. Ушбу тартиботга кўра танлов ва (ёки) тендерда умумий солиқ – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солиқ тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловисиз нарх асосида аниқланиши белгилаб қўйилсан.
- Танловларда пакет ҳужжатларини техник ўрганиш ва баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган талабгорлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштиришни, бошлангич нархидан юкори берилиган таклифларни кўриб чиқмаслик масаласи танлов комиссиясининг иш тартибига қабул қилинсан.
- Комиссия котиби зиммасига харид комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинганд шарт ва талабларни танлов ҳужжатларига таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб ушбу обьектлар бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, уларнинг таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансан.
- Талабгорлар томонидан обьектлар бўйича тақдим этилган пакетлар эълонлар махсус ахборот порталида берилиган кундан бошлаб камида 5 кундан кейин очилиши тасдиқлансан.
- Куйидагилар буюртмачининг асосий талаблари этиб тасдиқлансан:
  - молиявий имкониятлари етарли, шартнома расмийлаштириш юзасидан фуқаролик муомила ҳукуқий ваколатга эгалиги;
  - тегишли ва ўхшаш соҳаларда ишларни бажариш бўйича тажриба ва малакага эга бўлган мутахассислари етарли бўлиши лозим;
  - агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳукуқий ҳужжатларига мувофик лицензияланиши керак бўлса, тегишли лицензияга (маълум иш турларини олиб боришга) эга бўлиши шарт;
  - қурилиш ишларини бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши шарт;
  - танловларга охирги 3 йилда илгари бажарган ишларда обьектларни ўз вактида топшириш бўйича пудрат ўшартномасидаги мажбуриятларни асоссиз бузган талабгорларнинг тўплаган баллари, яъни 1 ойдан 2 ойгача кечиктирган бўлса балларидан 10 балл чегирилади, 2 ойдан 3 ойгача кечиктирган бўлса – иш тажрибаси учун балл нолга тенглаштирилади, 3 ой ва ундан кўп муддатга кечиктирган бўлса ёки охирги 3 йилда ўшартнома шартларини қўпол равишда бузган ташкилотларга буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотларнинг асослантирилган ишончсизлик хати тақдим этилган бўлса – танлов комиссияси оферент таклифини рад этиш ҳукуқига эга.
  - баҳолаш гурухи аъзолари оферентларнинг кўрсаткичларини баҳолашда оферентларнинг маълака кўрсаткичларини батафсил ўрганиб чиқиб, оферентларнинг ишлаб чиқариш базалари, омборлари,

курилиш техникаси ва кичик механизмлар тўғрисида I-пакет ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мослигини, аввал бажарилган қурилиш обьектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлигини, шунингдек, бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини ўрганиб чиқади;

- баҳолаш гурухи аъзолари танлов ҳужжатларида белгиланган техник жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари жадвалини ҳамда I-пакет ҳужжатларини баҳолаш варагини тўлдиради ва баённомасини комиссиянинг навбатдаги йиғилишига тақдим этади. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлар ва мезонларга кўра оферент обьектда ишлатиш учун таклиф этган зарур қурилиш техникалари ўз балансида бўлса 1 коэффициент билан, агарда ушбу қурилиш техникалари ижарага олинган бўлса 0,5 коэффициент билан баҳоланади. Қурилиш техникасининг техник паспорти ксеронусхаси ва ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилиши шарт;

- талабгор сифатида иштирок этаётган пудратчи ташкилотлар ишлаб чиқариш базалари, яъни оғислари (баҳоланишда - агар ўз балансида бўлса - 1,0 коэффициент билан, ижарада бўлса - 0,5 коэффициент билан баҳоланади), иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига эгалиги;

**10.** Талабгорларнинг I-пакетидаги ҳужжатларини техник жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра 50 баллдан кам балл тўплаган оферентларнинг малакаси етарли эмас деб топилсин ва ушбу оферентлар танловдан четлаштирилсин.

**11.** Талабгор ташкилотнинг иш тажрибаси камидан З йилни ташкил этиши зарур, иш тажрибаси З йилдан кам бўлган талабгорнинг таклифи кўриб чиқилмайди. Ҳар бир йиллик меҳнат тажрибаси учун 1 баллдан жами 10 баллгacha баҳоланади.

**12.** Объектда ишларни якунлаш бўйича буюртмачи томонидан белгиланган муддатга нисбатан 10%дан кўпроқ муддат бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилсин.

**13.** Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса ёки ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари юритилган бўлса ёки муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги бўлса, бундай талабгорлар танловдан четлаштирилсин.

Танлов ташкилотчиси танлов комиссияси қабул қилган қарорига асосан танлов ҳужжатларига тегишли маълумотлар киритсан.



Ў.Кудратов

Ш.Исмоилова

Қ.Тошқулова

И.Назарова

Ф.Холмуродов

Р.Эшонқулов

Комиссия котиби:



2022 йил Фаллаорол туманида Силга қарши курашиш Диспансери биносини жорий таъмирлаш мақсадида қўйдаги ишларини амалга оширувчи қурилиш пудрат ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун қўйдаги ишларини амалга оширувчи қурилиш-таъмиглаш пудрат ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш мақсадида танловларни ташкил этиш бўйича

## **ТАНЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Харид комиссиясининг иш тартиби “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг танловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур регламентга танловлар предметини ҳисобга олган ҳолда харид комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.3. Харид комиссияси коллегиал орган ва танловларнинг асосий қатнашчиси (танловларни ўтказиш жараёнинг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб, буюртмачи томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий хужжат билан тасдиқланади, танловларни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишига ваколатлидир.

1.4. Мазкур харид комиссияси Фаллаорол туман Силга қарши курашиш Диспансери 2022 йил 30 Июндаги 2022-30-7-SD-сонли буйруги билан тасдиқланган.

### **II. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

2.1. Харид комиссиясининг дастлабки йиғилиши танлов хужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- танлов ва талабгорларнинг малакасини олдиндан аниқлаш хужжатларини, хужжатларни махсус сайтга жойлаштириш шарт ва талабларини;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- танловларда қатнашишга закалат тўлаш шакли ва миқдорини;
- офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини белгилайди, бунда *etender.uzex.uz* ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 5 кундан эртароқ бўлмаслиги шарт;

2.2. Танлов таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир обьект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайсиdir бир танловлар қатнашчисига устунлик берувчи танлов таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳакли эмаслар.

2.5. Харид комиссияси навбатдаги йиғилишларида танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ талабгорларнинг хужжатларини ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов ғолибини аниқлайди ёки бошқа қабул қиласди;

2.6. Харид комиссиясининг ҳар бир йиғилишларида комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча комиссия аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.7. Харид комиссияси таркибига буюртмачининг қарори билан комиссия котиби киритилиши мумкин, унинг мажбуриятларига харид комиссиясининг ишчи хужжатларини расмийлаштириш киради, бунда комиссия котиби мустақил овоз бериш хукуқига эга эмас.

2.8. Қоидага кўра, харид комиссиясининг котиби этиб танлов ташкилотчиси тайинланади.

### **III. ТАРКИБИНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ**

3.1. Харид комиссиясининг йигилишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг ҳужжатлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- ҳужжатларни ўрганиш давомида, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар бирон бир ҳужжат мавжуд бўлмаси ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, танлов ҳужжатлари рад этилади ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилади.

3.3. Таклифлар таркибини ўрганиш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган мезонилар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Харид комиссияси ўзининг таркибидан оферентларнинг малака кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гурухини тузади, шу билан бирга ишчи гурухининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустакил эксперталарни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гурухлари ёки мустакил эксперталарга пакетлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириклар берилади.

3.6. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гурухининг тавсияларини Харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қиласи, баҳолаш гурухининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гурухига ҳужжатларни кўшимча ўрганиш топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустакил равишда танлов таклифларининг баҳолаш варакларини ва якуний баҳолаш жадвалларини тўлдириш бўйича қарор қабул килиш мумкин.

3.7. Агар оферентнинг офертаси кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, танлов комиссиясининг қарори ижобий хисобланади.

3.8. Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақида маълумотлар махфий хисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади. пакетларни очиш, ҳамда голибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошка хулоса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

3.10. Оферентларнинг техник малакасини баҳолаш натижалари бўйича Харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан қуйидаги тартибда эълон қилинади:

- ҳужжатларини ўрганиш учун рухсат этилган талабгорларнинг рўйхати;
- дисквалификация ёки инкор этилган талабгорларнинг рўйхати.

### **VII. ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

4.1. Харид комиссиясининг йигилишларида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча оферталарнинг таклифлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- талабгорларнинг танловлар предмети бўйича таклиф килган нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- буюртмачи томонидан белгиланган танлов предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

-харид комиссияси аъзоларидан оферентларнинг молиявий кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гурух тузилади ва улар томонидан танлов ҳужжатларининг техник қисмидаги физик иш ҳажмлари ва ресурсларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, харид комиссиясига ўз хуносасини тақдим этадилар;

- арифметик хатолар текширилади;

4.2. Ҳар бир офертани очиш, унинг таркибининг тўликлиги текшириш кетма-кетликда амалга оширилади. Танловлар предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати, талабгорларнинг нарх бўйича таклифлари эълон қилингандан сўнг ошкор этилади.

4.3. Таклифларнинг таркибини ўрганиб чиқиши ва баҳолаш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз амалга оширилади.

4.4. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гурухининг тавсияларини харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қиласи, баҳолаш гурухининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гурухига таклифларни кўшимча ўрганиш

топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифлари бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

4.5. Талабгорларнинг Малакавий кўрсаткичлари бўйича тўплаган баллари, ишлар(хизматлар) бўйича таклиф этилган нарх ҳамда муддат бўйича таклифлари маҳсус интерполяция программасига киритилади. Энг катта балл тўплаган оферент танлов комиссияси аъзолари ўртасида ўтказилган овоз бериш натижаларига асосан ғолиб деб топилади. Оферталарда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.6. Танловларнинг туридан қатъи назар, танлов ғолиби харид комиссиясининг ёпиқ мажлисида аникланади. Танлов комиссияси ғолибларни энг кўп ракобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда танлов шартларида белгиланган бошка мезонлар бўйича аникланади.

Харид комиссиясининг овозга кўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар маҳфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл кўйилмайди.

4.7. Танлов ғолибини аниклаш бўйича харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан оферентларнинг ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида эълон қилинади. Иштирок этмаган оферентлар танлов ташкилотчиси томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Танлов тартиботидан келиб чиккан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, харид комиссияси, танлов ташкилотчиси ёки танлов бошка қатнашчиларининг хатти-харакатлари (харакатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## V. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ҲУҶАТЛАРИ

5.1. Харид комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни хужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Харид комиссияси ўзининг қарори билан кўйидаги холларда талабгорни (оферент) бундан кейин танлов тартиботида қатнашишдан четлатишга ва оферталарни кўриб чиқмасдан қайтариб беришга хуқуқлидир:

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боялият Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, тегишли лицензияга эга бўлмаса (ложиҳа ишларини ёки бошка турдаги ишларни олиб боришга лицензияга эга бўлмаса);

- ишларни бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлмаса;

- таклиф хужжатларида Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатлар талаблари бузилганда, танлов хужжатлари талаблари ёки малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аникланганда;

- талабгор қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик боскичида бўлган ва мулки хатлаб қўйилган бўлса;

- таъсис хужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошка шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-хуқуқий ёки молиявий боялият бўлган бўлса;

5.3. Харид комиссияси танлов хужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаникликларни улар бошка қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл кўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган холларда эътиборга олмаслиги мумкин.

5.4. Харид комиссияси танлов иштирокчиларида танловни ўтказиш жараёнида келиб чиккан маълум эътироҳ ва шикоятларни, унга ечим ва жавобларни 10 кун муддат ичидаги тайёрлашга ҳақлидир. Танловларни ўтказиш жараёнига боялият келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.5. Харид комиссияси оферент томонидан офертанинг мазмунини тушунтириб берилишига йўл кўйишга хуқуқлидир.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтишлар берилишига йўл кўйилмайди.

5.6. Агар таклифлар бёриш муддати тугаган вақтда танлов иштирокчиларидан танлов хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танлов иштирокчиси таклифининг техник қисми баҳоланади, бунда 50 баллдан юқори балл тўплаган талабгорларнинг баллари ҳамда нарх ва муддат бўйича таклифлари маҳсус интерполяция программасига кўйилади. Программа танлов ғолибини аниклаб беради.

Агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов хужжатлари талабларига мувофиқ келса, танлов ўтказилмаган деб топилади.

5.7. Танловларнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши харид комиссиясига мулкий ёки бошқача тусдаги хукукий жавобгарлигига олиб келмайди.

5.8. Харид комиссияси танлов жараёнидаги саволлар бўйича исталган карорларни қабул қилишга ҳаклидир, агар улар белгиланган хукукий база билан асосланган бўлса.

## **VI. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Харид комиссияси:

- талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишининг асоссиз талаб қилиниши;

- талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган хукуки бузилганлиги;

- талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

танловда қатнашишга:

- муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-хукукий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;

- қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;

- солик имтиёзларини тақдим этадиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилишни ва тақдим этишни назарда тутмайдиган (оффшор худудлар) давлатлар ва худудларда рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор худудларида жойлашган банклардаги хисоб ракамли норезидентларнинг;

- танловларга эълон берилишига қадар 3 йил муддатдан кам бўлган муддатда таъсис этилган ташкилотларнинг;

- талабгор (оферент)нинг танлов тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда чётлатилганлиги;

- Танловларнинг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов қатначисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;

- оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

- офертани харид комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беринишига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;

- ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек конунга зид бошқа хатти-харакатлар қилинганлиги;

- танлов голибининг харид комиссиясининг очик мажлисида аниқланганлиги, танлов голибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

7.1. Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва буюртмачи тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради.

T/р	Талаб номи	Тасдиқловчи хужжат	максимал балл (100) балл)	Изоҳ
1	Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилган бўлса ёки талабгор кайта ташкил этиш (бўлинниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик боскичида бўлса ва мулки хатлаб кўйилган бўлса	Сайт ва тақдим этган бухгалтерия хисоботлари	1	Мавжуд холатлар аникланса талабгор танловдан четлаштирилади
2	Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорлиги мавжуд эмаслиги хакида маълумот.	Солик ва Банкдан маълумотнома	14	Тақдим килмаган талабгор четлаштирилади
3	Талабгор ташкилотнинг 3 йиллик ўхшащ обьектлар бўйича иш тажрибасига эга эканлиги	Гувохнома нусхаси, ўхшаш обьектлар бўйича тузган шартномаси , ишларни бажариш хисоботлари (Ф-2, Ф-3) ёки обьектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	20	Иш тажрибаси 3 йилдан кам булган талабгорларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди, Гувохнома (бир йиллик иш стажи) учун 1 баллдан (Максимал 20 балл)
4	Ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ходимлар сони	Маълумотнома (Ф.И.Ш., лавозими хамда иш тажрибаси) my.mehnat.uz дан ўтганлигини тасдиқловчи штрых коди билан бирга бўлиши шарт	15	20 ва ундан ортик ишчи ходимлари бор талабгорга 15 балл берилади, кейинги талабгорларнинг баллари интерполяция оркали аникланади (талабгор аввалги обьектларда голиб бўлса ишчи-ходимлар сони камайтириб хисобланади)
5	Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур курилиш техникалари ва кичик механизмларга эга эканлиги бўйича	Асословчи хужжатлар (техпаспорт нусхалари, ижара шартномаси)	15 (Зта курилиш техникаси учун 10 балл, камидা 15 дона кичик механизм учун 5 балл)	Зарур курилиш техникалари
6	Охириги 3 йилда обьектнинг бошланғич нарҳига тенг ёки ундан ортик ўхшащ ишларни ўз кучи билан бажарганлиги	Шартнома, бажарган ишлари хисоботлари (Ф-2, Ф-3) ёки обьектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	15	Катта кўрсаткичга эга талабгор 15 балл билан, кейинги кўрсаткичга эга талабгорларнинг баллари интерполяция оркали хисобланади
7	Талабгорнинг обьект бўйича лойиха-смета хужжатлар билан танишганлиги, курилиш обьектини жойида ўрганганлик тасдиғи	Асословчи хужжат	15	Лойиха-смета хужжатлари билан танишганлиги учун – 10 балл, курилиш обьектини жойига бориб ўрганганлигини фойдаланувчи (мактаб маъмурияти) томонидан имзо кўйиб тасдиқлаганлиги учун – 5 балл

8	Объектда ишларни яқунлаш бўйича Кафолат хати	Талабгорнинг муддат бўйича тақлифи	5	
---	---	---------------------------------------	---	--